



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2017 йил 2 АВГУСТ, ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 157 (13.490)

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОЙИШИ

НОГИРОНЛАРНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда кексалар, пенсионерлар, ногиронлар ва имконияти чекланган болаларга тиббий-ижтимоий ёрдамни ташкил этиш тизими яратилди. Аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

Шу билан бирга мазкур соҳада олиб борилаётган ишларни қоникарли деб бўлмайди.

Туғма ва наслий касалликларни барвақт аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича қўрилаётган чоралар кутилган натижани бермаётган. Чақалоқларни перинатал скрининг кўригидан ўтказиш туғма нуқсонларни ўз вақтида аниқлашни ва ногиронлиқнинг кейинчалик олдини олишни таъминламайпти.

Ёш болаларни ялпи комплекс скрининг кўригидан ўтказишни ташкил этиш ва олиб боришдаги камчиликлар реабилитация тадбирларини амалга ошириш учун қўлай фурсатнинг бой берилишига ҳамда болалар ногиронлиги пайдо бўлишига олиб келмоқда.

Ногиронлик гуруҳини аниқлаш ҳамда протез-ортопедия ва реабилитация техника воситалари билан таъминлашда тиббий-маслаҳат комиссиялари ва тиббий-мехнат эксперт комиссиялари фаолиятидаги бюрократик тартиб-таомиллар бартараф этилмаган.

Шунингдек, ногиронлар учун реабилитация техника воситалари ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш талаб этилади.

Ногиронларни ҳисобга олишнинг комплекс тизими мавжуд эмаслиги, замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг етарлича жорий этилмаганлиги ногиронларнинг ижтимоий аҳолини мониторинг қилиш ва уларга ўз вақтида зарур тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш имконини бермаётган.

Ногиронлиқни аниқлаш учун тиббий-ижтимоий экспертиза ўтказишда қўлланилаётган мезонлар 40 йил аввалги услубиётга асосланган, мазкур соҳада чуқур илмий тадқиқотларнинг мавжуд эмаслиги бу муаммони янада кучайтирмоқда.

Ногиронларга таълим бериш ва уларни ишга жойлаштиришнинг амалдаги тизими замонавий талабларга жавоб бермайди. Ногиронларни меҳнат фаолиятига жалб этиш ўртача 2 фойизни ташкил қилади, бу эса масъул идораларнинг ушбу соҳадаги иши қоникарсизлигидан далолат беради.

Баён этилганларни инобатга олиб, ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тиббий-ижтимоий ёрдам бериш тизимини янада такомиллаштириш, ногиронларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, таълим олиш ва ишга жойлашишда уларга ҳар томонлама қўмаклашиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш соҳасидаги фаолиятини қоникарсиз деб топилисин.

2. Ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган тақлифларни тайёрлаш бўйича комиссия иловига мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

3. Қўйидагилар Комиссиянинг асосий вазифалари сифатида белгилансин:

ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни таъминлаш соҳасидаги қонунчиликни ундаги бўшлиқлар, камчиликлар ва коррупциявий омилларни аниқлаш нуктаи назаридан инвентаризация ва таҳлил қилиш; ногиронларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ҳолатини, уларнинг таълим олиш ва ишга жойлашиш ҳуқуқлари амалга оширилишини, шунингдек, ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни таъминлаш соҳасидаги ваколатли органлар фаолиятини танқидий ўрганиш;

ногиронлар ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги умумэтироф этилган нормалар ва стандартларни, шунингдек, халқаро ташкилотларнинг тавсияларини ўрганиш; тиббий-малакавий комиссиялари ва тиббий-мехнат эксперт комиссиялари фаолиятини шаффофлик ва очиқликни таъминлаш, тартиб-таомилларни ўтказишни соддалаштириш ва уларнинг муддатларини қисқартириш мақсадида қайта кўриб чиқиш;

ногиронларни ижтимоий реабилитация қилиш, уларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш, шунингдек, уларнинг малакасини ошириш бўйича, биринчи навбатда, ногиронларни иш билан таъминлашга қаратилган ишлар аҳолини таҳлил қилиш;

ногиронлар учун протез-ортопедия ва реабилитация техника воситалари ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш ва техник янгилаш, шунингдек, хорижий инвес-

тицияларни жалб қилган ҳолда замонавий ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича ўрганишлар ўтказиш ва тақлифлар тайёрлаш;

ногиронларнинг жамоат транспорти, ижтимоий ва бошқа инфратузилма объектларидан тўқинликсиз фойдаланишини таъминлаш ҳолатини таҳлил қилиш;

ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни таъминлаш, туғма ва наслий касалликларни барвақт аниқлаш ҳамда уларнинг олдини олиш соҳасидаги қонунчиликни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш, шунингдек, аҳолининг кенг қатламлари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишни, шу жумладан, эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш ишларини тубдан кучайтириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.

4. Комиссия: бир ҳафта муддатда ўзига юклатилган вазифаларни сифатли ва муддатида бажаришни таъминлаш учун ишчи гуруҳлари ташкил этсин, шунингдек, ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини ўрганиш, ушбу соҳадаги қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш бўйича тадбирлар режасини тасдиқласин;

2017 йил 15 сентябрга қадар муддатда ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича асосланган тақлифларни киритсин.

5. Комиссияга вазирлик ва идораларнинг мутахассисларини, республика илмий ва таълим муассасаларининг вакилларини, шунингдек, халқаро ва хорижий ташкилотларнинг ресурслари ва экспертларини жалб қилиш ҳуқуқи берилсин.

6. Масъул вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Комиссияга юклатилган вазифаларни амалга оширишда ҳар томонлама қўмаклашсин.

7. Мазкур фармойишнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори И.Б.Абдуллаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 1 август

ТАДБИРКОРЛАР МАНФААТИ ҲИМОЯДА

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасида Халқаро тижорат арбитраж суди фаолиятини такомиллаштиришга оид комплекс чора-тадбирлар тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳи йиғилиши бўлиб ўтди. Унда “Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Мамлакатимизда ҳусусий мулкчилик ва тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада мустақкам ҳуқуқий база шакланган бўлиб, тадбиркорларга қўшимча қўлай инвестиция муҳитини шакллантириш мақсадида чора-тадбирлар изчил давом этмоқда.

Президентимизнинг жорий йил 19 июндаги “Бизнеснинг қонуний

манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони бу йўналишдаги ишлар дастуруламал оширишда муҳим самаруламал бўлмоқда.

Фармонда бизнес ҳамжамияти ва давлат органлари ўртасида самарали мулоқот ва соғлом шерикчилик механизмларини йўлга

қўйиш, ҳусусий мулкчилик ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли муҳофаза қилиш кафолатларини кучайтириш, ўз бизнесини ташкил этишда аҳолига ҳар томонлама қўмаклашиш, шунингдек, тадбиркорлик субъектларига сифатли давлат хизматлари кўрсатишни таъминлаш назарда тутилган.

– “Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида”ги қонун лойиҳаси мам-

лакатимизда қўлай бизнес муҳитини яратиш, хорижий инвесторларни жалб қилиш, тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги низоларни ишончли ҳал этишга қаратилган билан аҳамиятлидир, – дейди Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Халқаро тижорат арбитраж суди раиси Фозилжон Отахонов. – Халқаро арбитраж судлари ривожланган давлатларнинг деярли барчасида мавжудлигини эътиборга оладиган бўлсак, бу соҳага замонавий ва халқаро ёндашувнинг бугунги кун талаби эканини англаш қийин эмас.

Йиғилишда “Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида”ги қонун лойиҳаси юзасидан тақлиф ва фикр-мулоҳазалар билдирилди.

(Ў.А)

бўлғаймиз сени, Ўзбекистон! мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Ёшларнинг китоб ва китобхоналикка бўлган эътиборини янада ошириш мақсадида Бухоро вилоятида “Китоб олами” мажмуаси ўз иш фаолиятини бошлади. Шу муносабат билан Бухоро вилояти ҳокимлиги ва Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ҳамкорлигида давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ижодкорлар, ноширлар, ёшлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида тадбир ташкил этилди.

ЖАҲОНДА

Канадалик олимлар динозаврнинг янги турини аниқлади. Бу тур альбертавенатор номи олдиди. Ушбу динозаврнинг ташқи кўри-

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Абитуриент – 2017

КАТТА ҲАЁТ ОСТОНАСИДАГИ ЖИДДИЙ СИНОВ

1 август кунини мамлакатимиздаги барча олий таълим муассасаларида тест синовлари бўлиб ўтди

Президентимизнинг 2017 йил 5 майдаги “2017/2018 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ жорий ўқув йилида талаба бўлиш истагидидаги ёшлар учун бир қатор имконият ва қўлайликлар назарда тутилган. Қарорга қўра Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича умумий квота бакалаврлар учун аввалги йилларга нисбатан анча қўп – 66 минг 316 нафар этиб белгиланди.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг махсус сиртки бўлимида 100. Навоий давлат қончилиқ институтинида тўлов-контракт асосида 90 ва Тошкент темир йўл муҳандислари институтинида тўлов-контракт асосида 80 бакалавр тайёрланиши қўзда тутилган.

Ҳаётнинг барча жабҳаларига илғор технологиялар, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари изчил жорий этилмоқда. Тошкент ахборот технологиялари университети IT соҳаси учун олий таълим муассасаси саналди. Бу ерга бакалавр йўналишида ахборот хавфсизлиги соҳалари бўйича, компьютер инженеринг, дастурий инженеринг, телекоммуникация технологиялари, телевизион технологиялар, АКТда итхисодиёт ва менежмент, касб таълими, почта алоқаси технологияси, ахборотшунослик ва кутубхонашунослик йўналишлари бўйича бакалаврлардан ҳужжатлар қабул қилинган. Махсус сиртки бўлимига ҳам қатор йўналишлар бўйича қабул амалга оширилди.

Бу йил мазкур олий таълим муассасасида ҳужжат топшириш жараёнида ёшларнинг биометрик паспорт маълумотлари ва бармоқ излари сканери текшируви асосида абитуриентларнинг маълумотлар базаси яратилгани тестга кириш жараёнидаги турли қаллобликларнинг олдини олиш, ҳаққонийлик ва ҳолисликни таъминлашга хизмат қилди. Яна бир жиҳат – бу йил ўқув биносига кираверишда абитуриентларнинг турли “ихтиролари” – шпаргалкалар, қўлбола қўлланмалар, конспект ва дафтарлар уюми йўқ. Демак, ёшлар тестга алоҳида масъулият билан жиддий ёндашган.

Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, мобил алоқа соҳаси ёшлар энг қўп қизиқадиган йўналиш, – дейди тошкентлик Сурбат Исмолов. – Фарзандим ушбу университетга ҳужжат топширди. Бу йил жорий этилган аниқликлар учраши эҳтимоли бўлган қонунбузарликларнинг олдини олишга шубҳамиз йўқ. Ушбу технологияларнинг жорий этилаёт-

гани тест синовлари том маънода ҳолис бўлишига хизмат қилади.

Президентимизнинг Чирчиқ шаҳрида педагогика йўналишидаги олий таълим муассасасини ташкил этишга оид қарори қабул қилинган йўқувчилик касбига бўлган юксак эътиборнинг амалий ифодасидир.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети абитуриентлар қўп ҳужжат топширадиган ўқув масканларидан бири. Университет қабул комиссияси масъул котиби Нусратилла Алимқўловнинг айтишича, жорий ўқув йилида талаба бўлиш истагидидаги ёшлардан 16 минг 580 ҳужжат келиб тушган. Белгиланган қабул режаси бўйича 1 минг 125 йиғит-қиз талабалikka қабул қилинади. Жорий ўқув йилида корей филологияси, қозоқ тили ва адабиёти каби янги йўналишлар ташкил этилган. Айни пайтда бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш, мактабга таълим, педагогика ва психология, инглиз тили таълими йўналишларига ёшларнинг қизиқиши катта.

– Қизим Мухлиса бошланғич таълим йўналишига ҳужжат топширди, – дейди сурхондарёлик Мухаббат Боймирзаева. – Ўқитувчилик касби шарафли саналиши билан бирга, масъулият катта бўлган касблардан. Тест синовларига жиддий тайёргарлик кўрилгани ҳужжат топширишдан синовларга қадар барча жараёнда яқол намоён бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази маълумотига қўра, жорий йилда мамлакатимиз олий таълим муассасаларига 729 минг 947 абитуриент ҳужжат топширган. Бу 1 ўринга ўртача 10,9 абитуриентни ташкил этади.

Ҳужжат топшириш бўйича энг юқори кўрсаткич Сурхондарё вилоятида кузатилди. Ушбу вилоятда 48 минг 713 ёшлар олий таълим муассасаларида ўқиш истагини билдирган. Термиз давлат университети 36 минг 546 абитуриентдан ҳужжат қабул қилиб, мамлакатимиз олий таълим муассасалари ўртасида етакчи ўринни эгаллади.

Махаллий давлат ҳокимияти органлари, олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда тест синовлари ўтатиладиган 1 минг 80 бино, 21 минг 765 аудитория тайёрланди. Тест синовларининг ҳаққоний, қатъий назорат остида ўтишини таъминлаш мақсадида 86 минг 288 педагог бино, қават, аудитория назоратчилари сифатида жалб этилди.

Давлат тест маркази томонидан ушбу педагог-ҳодимлар учун тест синовларини юқори савияда, адолатли, очик ўтказиш мақсадида амалий семинарлар ташкил этилди.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Наманган шаҳар Оромгоҳ кўчасида “Rouston mebellari” хусусий корхонасининг кўргазма-савдо маркази иш бошлади.

• Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги “Офтобжон” оромгоҳида “Болаларга берилган дунёни” мавзусида хайрия тадбири ўтказилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “НОГИРОНЛАРНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ФАРМОЙИШИГА ШАРҲ

Мамлакатимизда кексалар, пенсионерлар, ногиронлар ва имконияти чекланган болаларга тиббий-ижтимоий ёрдамни ташкил этиш тизими яратилди. Аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

Шу билан бирга туғма ва наслик касалликларни барвақт аниқлаш ва олдини олиш бўйича кўрилатган чоралар кутилган натижага бермапти.

Жумладан, жорий йил 1 январь ҳолатига **650 284** нафар шахс ногирон деб топилган, уларнинг **84 908** нафарини **16** ёшгача бўлган болалар ташкил этади. Уларга ҳар йили Давлат бюджетидан **2,5 триллион сўм** миқдориде пенсия ва нафақалар тўланади.

Урганишлар соғлиқни сақлаш органлари томонидан ҳомиладор аёлларнинг **60** фоиздан ортиғи скрининг текширишлари билан қамраб олинмаганлигини кўрсатади. Касалликлар ўз вақтида аниқланмаганлиги оқибатида **3 568 нафар** бола туғма нуқсонлар билан туғилган.

Республикада чақалоқларга нисбатан ўтказилаётган перинатал скрининг тадқиқотлар фақат икки турдаги тадқиқотларни ўз ичига олади (қалқонсимон без гармони етишмовчилиги, ақлий қолқоқлига олиб келидиган нуқсонлар) ҳамда бу туғма нуқсонларни ўз вақтида аниқлаш ва ногиронлиқнинг кейинчалик олдини олиш учун етарли бўлмаяпти.

Ёш болаларни ялпи комплекс скрининг тадқиқ этиши ташкил қилиш ва ўтказишдаги камчиликлар реабилитация тадбирларини амалга ошириш учун қулай фурсатнинг бой берилишига ҳамда болалар ногиронлиги пайдо бўлишига олиб келмоқда.

Ногиронлик гуруҳини аниқлаш ҳамда протез-ортопедия ва реабилитация техника воситалари билан таъминлашда тиббий-маслаҳат комиссиялари ва тиббий-мехнат эксперт комиссиялари фаолиятида бюрократик тартиб-таомиллар бартафат этилган. 2016 йилда ва жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг “ишонч телефони”га **5 521** мурожаат келиб тушганлиги ҳам бундан далолат беради.

Ногиронларни ҳисобга олишнинг комплекс тизими, ногиронларга имтиёзли шартларда бериладиган дори воситалари ва ортопедия буюмларининг ягона электрон ҳисоботи ҳамда ушбу соҳада шаффофликнинг мавжуд эмаслиги ногиронларнинг ижтимоий аҳолини муниторинг қилиш ва уларга ўз вақтида зарур тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш имконини бермади, алоҳида ҳолларда коррупция, талон-торож ва бошқа суиистеъмолчиликларни келтириб чиқаради.

“Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-моддасида назарда тутилган ногиронларнинг қириши учун мослаштирилмаган ҳолда аҳоли

пунктларини лойиҳалаш ва қуришга, транспорт воситаларини ишлаб чиқаришга йўл қўйилмаслиги ҳақидаги норма амалиётда тўлиқ рўёбга чиқарилмапти. Ногиронларнинг спорт, маданият, таълим ва бўш вақтини мазмунли ўтказадиган бошқа ижтимоий объектлардан эркин фойдаланиши лозим даражада таъминланмаган. Имконияти чекланган болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказадиган махсус жойларни ташкил этиш бўйича ташаббус мавжуд эмас.

Шунингдек, ногиронлар учун реабилитация техника воситалари ишлаб чиқариш бўйича корхоналарни модернизация қилиш талаб этилади.

Республикада ногиронлар учун протез маҳсулотлари ва реабилитация техника воситалари ишлаб чиқариш бўйича **7 та** корхона фаолият юритади, уларнинг атиги **2 таси** замонавий талабларга жавоб беради. Бошқа корхоналарда фойдаланилаётган асбоб-ускуналар мазнан ва жисмонан эскирган бўлиб, бу тайёрланадиган буюмларнинг, биринчи навбатда, протез-ортопедия буюмларининг сифати ва қулайлигига таъсир кўрсатади.

Вакolatли давлат органларининг ногиронларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш борасидаги фаолияти ёрдамга муҳтож шахсларни қидириш ва ҳисобга қўйишга хоҳиш йўқлиги сабабли, қоида тариқасида, айнан ногиронларнинг аризалари асосида ташкил этилади.

Ногиронларга таълим беришнинг амалдаги тизими замонавий талабларга жавоб бермади, уларни меҳнат фаолиятига жалб этиш даражаси ўта паст ҳисобланади, бу масъул идораларнинг ушбу йўналишда етарли иш олиб бормаётганлигидан далолат беради.

Шу сабабли, давлат раҳбарининг жорий йил 1 августда қабул қилинган фармойиши билан Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш соҳасидаги фаолияти қоникарсиз деб топилди.

Ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тиббий-ижтимоий ёрдам бериш тизимини янада такомиллаштириш, ногиронларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, таълим олиш ва ишга жойлаштириш уларга ҳар томонлама қўмақлаш мақсадида фармойишга мувофиқ **Ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган тақлифларни тайёрлаш бўйича комиссия** ташкил этилди.

Комиссиянинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди:

ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш таъминлаш соҳасидаги қонунчиликни ундаги бўшлиқлар, камчиликлар ва коррупциявий омилларни аниқлаш нўқтаи назаридан инвентаризация ва таҳлил қилиш; ногиронларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ҳолатини, уларнинг таълим олиш ва ишга жойлаштириш

ҳуқуқлари амалга оширилишини, шунингдек, ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни таъминлаш соҳасидаги ваколатли органлар фаолиятини танқидий ўрганиш;

ногиронлар ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги умум-этироф этилган нормалар ва стандартларни, шунингдек, халқаро ташкилотларнинг тавсияларини ўрганиш; тиббий-малакавий комиссиялар ва тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари фаолиятини шаффофлик ва очиқлиги таъминлаш, тартиб-таомилларни ўтказишни соддалаштириш ва уларнинг муддатларини қисқартириш мақсадида қайта кўриб чиқиш;

ногиронларни ижтимоий реабилитация қилиш, уларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш, шунингдек, уларнинг малакасини ошириш бўйича, биринчи навбатда, ногиронларни иш билан таъминлашга қаратилган ишлар аҳолини таҳлил қилиш;

ногиронлар учун протез-ортопедия ва реабилитация техника воситалари ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш ва техник аниқлаш, шунингдек, хорижий инвестицияларни жалб қилган ҳолда замонавий ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича ўрганишлар ўтказиш ва тақлифлар тайёрлаш;

ногиронларнинг жамоат транспорти, ижтимоий ва бошқа инфратузилма объектларидан тўқинчиликсиз фойдаланишни таъминлаш ҳолатини таҳлил қилиш;

ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш таъминлаш соҳасидаги қонунчиликни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш, туғма ва наслик касалликларни барвақт аниқлаш ҳамда олдини олиш, шунингдек, аҳолининг кенг қатламлари ўртасида соғлом турмуш тарзини, шу жумладан, эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш ишларини тарғиб қилишни тубдан қучайтириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.

Бундан ташқари, Комиссияга ўзига юклатилган вазифаларни сифатли ва муддатда бажаришни таъминлаш учун ишчи гуруҳлари ташкил этиш, ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини ўрганиш, ушбу соҳадаги қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш бўйича тадбирлар режасини тасдиқлаш, шунингдек, жорий йил 15 сентябрга қадар муддатда ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича асосланган тақлифларни қиритиш топширилди.

Фармойишда назарда тутилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши **ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тиббий-ижтимоий ёрдам бериш тизимини янада такомиллаштиришга, таълим олиш ва ишга жойлаштиришга уларга ҳар томонлама қўмақлаш, коррупциявий қўриқчилар ва бошқа ҳуқуқбузарликларни бартафат этишга, пировард натижада ногиронлар тўлақонли ҳаёт кечириши учун зарур шароитларни яратишга хизмат қилади.**

РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР ТУРИ КЎПАЙМОҚДА

Бир йўлингиз тушиб ёки бошқа сабаб билан қурилиш маҳсулотлари бозоридан ўтиб қолсангиз қурилиш ва пардозлаш маҳсулотларининг хилма-хиллигини кўриб ҳавасингиз келади, очиги бирор иморат қилиш ёки уйингизни таъмирлашни ўйлаб қолсангиз.

Дарҳақиқат, бугун қурилиш маҳсулотлари бозорларида сизу бизга керакли бўлган барча нарсаси топилади. Эътиборлиси бозорга борганингизда сотувчи йигитлар “ака келинг нима керак, кўринг ўзимизда ишлаб чиқарилган, сифати чет элликдан қолишмайди, нархи ҳам арзон”, деб ҳоли жонингизга қўйишмайди.

Таъкидлаш жоиз кейинги йилларда юртимизда қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш анча ривожланди. Бозорларимиз ўзимизнинг корхоналар томонидан тайёрланган бўёқлар, сувоқ маҳсулотлари, кафел, пардозбоп тошлар, рангли қоғозлар, сантехника ва бошқа маҳсулотлар билан тўлиб бормоқда. Албатта, бу мамлакатимизда мазкур йўналишда фаолият олиб бораётган корхоналар сони кўпайиб бораётганидан далолат беради.

Миллий матбуот марказида “Ўзқурилиш-материаллари” акциядорлик жамияти таркибидаги корхоналар томонидан бажарилган ишлар, истикболдаги режалар ва мавжуд имкониятлар борасида сўз юритилган тадбирда бунга алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимиз ҳудудидида 500 дан ортиқ гишт, цемент, керамзит хомашёси, табиий тош, гипс, оҳак тош ва бошқа конлар аниқланган бўлиб, бугунги кунда улар базасида боғловчи, иссиқликни ҳимоя қилувчи, девдорбоп ва том ёпишга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқараётган корхоналар фаолият юритмоқда. Шунингдек, шиша, асбоцемент, керамик комбинатлар ва бошқа буюмлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган корхоналар ишлаб турибди.

Жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида “Ўзқурилиш-материаллари” акциядорлик жамияти таркибидаги корхоналар томонидан 1,5 трлн. сўмлик саноат маҳсулотлари ҳамда халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7 фойз кўп демекдир.

Жойларда қурилиш материалларини ишлаб чиқарувчи янги корхоналарни барпо этиш орқали қишлоқ аҳолисининг турмуш тарзини яхшилашга ва уларни сифатли қурилиш материаллари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 28 сентябрдаги “2016-2020 йилларда қурилиш материаллари саноатини янада ривожлантириш дастури тўғрисида”ги Қарорига кўра ички эҳтиёжни қондириш мақсадида умумий қиймати 1,2 млрд. доллар бўлган жами 80 та инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши белгиланган.

Кейинги 5 йил ичида юртимизда цемент ишлаб чиқариш икки барабарга, яъни йилига 8,5 миллион тоннадан 17 миллион тоннага оширилиши режалаштирилган. Сўнгги йилларда 30 дан ортиқ турдаги қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Маҳсулотлар экспортини ошириш, ташқи бозорларни кенгайтириш борасида ҳам ишлар олиб борилаётди. Ҳозирги кунда Туркменистон, Қозғистон, Қирғизистон, Россия, Афғонистон, Бирлашган Араб Амирликлари, Эрон ва бошқа бир қанча мамлакатларга экспорт амалга оширилмоқда.

Анжуманда “Ўзқурилиш-материаллари” акциядорлик жамияти томонидан қурилиш материалларининг ички ва ташқи бозорларда маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш, тармокни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун инвестицияларни кенг жалб этиш, ушбу соҳадаги етакчи чет эл компаниялари билан юқори сифатли замонавий қурилиш материалларини кенг турда ишлаб чиқаришларни ташкил этиш мақсадида қатор амалий ишлар бошлаб юборилганлиги айтиб ўтилди.

Журналистларни қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан жавоб қайтарилди.

Абдуалим САЛИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ (Давоми. Боши 1-бетда)

Тошкент тиббий академияси даволаш иши, тиббий педагогика, тиббий профилактика, олий ҳамширалик иши ва тиббий биология йўналишларида малакали мутахассислар тайёрлайди. Бу йил академияга 9 минг 300 дан зиёд абитуриент ҳужжат топширган. Ўтган йили бу курсаткич 5 минг 36 йилгит-қизни ташкил этган эди. Абитуриентлардан энг кўп ҳужжатлар даволаш иши факультетига қабул қилинган бўлиб, 5 минг 300 ёшлар ушбу йўналишда тахсил олиш истагини билдирган.

– 2017/2018 ўқув йилида қатор англичилар жорий этилмоқда, – дейди Тошкент тиббий академияси проректори Турдикул Бобомуродов. – Янги ўқув йилидан эътиборан даволаш иши ва тиббий педагогика факультетларида бакалаврлар учун ўқиш муددати 6 йил, тиббий профилактика факультетидида 5 йил, тиббий биология факультетидида 4 йил, олий ҳамширалик иши факультетидида 3 йил этиб белгиланди. Магистратура босқимидида янги – атраф-муҳит ва инсон саломатлиги йўналиши ташкил этилди. Мақсадли қабул қилувчилар бўйича Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё, Наманган ва Фарғона вилоятларидан 5 мингга яқин абитуриентдан ҳужжат қабул қилинди. Бу соҳага малакали тиббий ходимларни етказиб бериш самардорлигини янада оширишга хизмат қилади.

Олий таълим муассасасида имтиҳонларга юқори савияда тайёрларлик кўрилди. Тест синовлари барча зарур қўлайликларга эга 6 бинада ўтказилди. Абитуриентларнинг ота-оналари, уларни қўллаб-қувватлаш учун келган яқинлари учун қўнғиш жойлари ҳозирланиб, салқин ичимликлар сотуви йўлга қўйилди, ош дамланиб, тамаддиҳоналар ҳозирланди.

Тест саволлари тўплами соат 5:00 да имтиҳон ўтадиган биналарга етказилди. Имтиҳонларнинг адолат мезонлари асосида ҳаққоний ўтқиш мақсадида ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари томонидан қатъий назорат ўрнатилди. Улар абитуриентлар шахсини, аудиторияга олиб кириши таққилланган буюмларни диққат билан текшириб борди. Биналарга ва аудиторияларга кириб-чиқиш видеоаналаратга олинди. Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари ва олий таълим муассасаларидан жалб этилган 900 га яқин ўқитувчи аудитория раҳбари ва қузатувчи сифатида тест жараёни ошқорлагини таъминлаб борди.

– Президентимизнинг қарори билан Тошкент тиббий академиясида вилоятлар учун қўшима қабул қилувчилар ақратилгани биз учун айни мудоаа бўлди, – дейди сурхондарёлик Дилором Шофаризаева. – Набирим бу йил Термиз тиббий коллежини тамомлаб, даволаш иши факультетига ҳужжат топширди. Тўғриси, дастлаб ҳужжат топширишга келаётганимизда бироз ҳадик бор эди. Ортиқча оворгарчиликсиз, теада ҳужжатларни қабул қилишди, ходимларнинг муомаласи, ёшларга, ота-оналарга яратилган шароитларни кўриб кўнгилмиз кўтарилди.


Тест синовлари Ислам Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетидида ҳам юқори савияда ташкил этилди. Университет проректори Орифжон Зариповнинг айтишича, университетда муҳандислик тизимлари, муҳандислик-физика, машинасозлик технологиялари, энергетика, муҳандислик геологияси ва қончиллик иши факультетларидаги жами 39 бакалаврият таълим йўналиши бўйича 17 миңдан ортиқ абитуриентдан ҳужжатлар қабул қилинди. Улар ораси-



да 1 абитуриент – танлов голиби, 254 ҳарбий имтиёзга эга абитуриент бўлиб, 2 миң 455 ёш талабали бaxтига муассас бўлади.

– Ангрен кўмир-саноат касб-хунар коллежини тугатиб, университетнинг энергетика, муҳандислик геологияси ва қончиллик иши факультетига ҳужжат топширдим, – дейди Хасанбек Абдуманнопов. – Тест синовлари юқори савияда ташкил этилди. Бизга зарур барча шароитлар яратилди. Ҳеч қандай ноқонуний ҳаракатларга ғувоҳ бўлмадик.

Мамлакатимизда йўлсозлик ва автомобилсозлик соҳаларига янги технологияларни жорий этиш, ёш кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга катта эъти-



КАТТА ҲАЁТ ОСТОНАСИДАГИ ЖИДДИЙ СИНОВ

бор қаратилгани бугун ўзининг юксак самараларини бермоқда.

Биринчи Президентимизнинг 2016 йил 26 августдаги “Автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш ва фойдаланиш соҳасида кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ Тошкент автомобиль-йўллар институти Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш ва фойдаланиш институти этиб қайта ташкил этилди. Мазкур ҳужжатга мувофиқ институтида “Касбий таълим (автомобиль йўллари, кўприклар, туннеллар, йўл ўтказгичлар ва аэродоромлар қурилиши)”, “Автомобиль транспорти, йўл-қурилиш машиналари ва жиҳозларнинг эксплуатацияси”, “Транспорт иншоотларининг эксплуатацияси (транспорт иншоотларининг турлари бўйича)”, “Қиймат инжиниринги”, “Автомобиль йўллари, кўприклар, туннеллар, йўл ўтказгичлар ва аэродоромлар лойиҳалаш ва қуриш”, “Шаҳар йўллари ва кўчалари мутахассиси”, “Транспорт логистикаси (автомобиль транспорти)” каби етти йўналишда бакалаврлар тайёрланмоқда.

– Барча йўналишлар бўйича ажратилган 770 ўринга 5 миң 470 га яқин абитуриентдан ҳужжат қабул қилинди, – дейди институт қабул комиссияси масъул котиби Анвар Назаров. – Ёшларимизнинг соҳага қизиқиш билдираётганини кўриб, “Яхши йўлда йўлдош кўп” деган пурмамо нақл ёдга тушди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг “Йўл ҳўжалигини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари

диқлар ўрнатилиб, салқин ичимлик ва егуликлар савдоси йўлга қўйилди.

– Навоий шаҳридаги 1-академик лицейни тамомланди, – дейди қарманалик Тоҳирбек Широнов. – Мамлакатимизнинг қаерига борманг, бунёдкорлик ишларига ғувоҳ бўласиз, бу қурилишларда кенг ва раво йўллар, халқаро талабларга тўлиқ жавоб берувчи кўприкларнинг ўз ўрни бор. Мен ҳам йўл қурилишига қизиққанам сабабли Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш ва фойдаланиш институтининг “Транспорт логистикаси (автомобиль транспорти)” йўналишида ўқишни мақсад қилдим. Мана, ҳозиргина тест топшириб чиқдим. Аксарият саволларнинг жавобини топишда қийналмадим, чунки лицейимизда барча фанлар чуқур ўргатилди.

Мамлакатимиз олий таълим муассасаларида қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш, мелiorация ва сув ҳўжалиги, гидротехника иншоотларидан фойдаланиш, қишлоқ ва сув ҳўжалиги тармокларининг бошқа йўналишлари бўйича мутахассисларни тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада олиб борилаётган саъй-ҳаракатларда соҳага ихтисослашган олий таълим муассасаларининг ўз ўрни бор.

Соҳанинг янада тараккий этиши учун тегишли вазирлик, тармок корхоналари ва ихтисослашган олий ва ўрта махсус таълим муассасалари ўртасида узвий боғлиқлик муҳим омил саналади. Шундан келиб чиқиб, аграр тармоклар учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан ошириш, их-

тисослашган олий таълим муассасаларининг моддий-техник базаси ва илмий-техник салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, таълим жараёнига замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, илмий-педагог кадрлар ва мутахассисларнинг малакасини ошириш ҳамда қайта тайёрлашни ташкил этиш мақсадида давлатимиз раҳбарининг “Қишлоқ ва сув ҳўжалиги тармоклари учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди.

Унга кўра Тошкент ирригация ва мелiorация институти Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институтига айлантирилди.

Жорий йил мазкур институтида бакалавриятнинг 25 таълим йўналиши бўйича 1 миң 805 ўринга 11 миң 600 дан ортиқ абитуриентдан ҳужжат қабул қилинган.

Институт қабул комиссияси масъул котиби Абдурахим Бердишевнинг айтишича, тест жараёнининг белгиланган меъерлар асосида ўтишини таъминлаш учун 290 аудитория ҳозирланиб, қузатув камералари ўрнатилди. Натижада қўллаб ота-оналар, абитуриентларнинг яқинлари тест жараёнини қўнғиш майдонларига ўрнатилган мониторлар орқали тўғридан-тўғри қузатиш имкониятига эга бўлди.

Тошкент қишлоқ-технология институтида ҳам бу йилги қабул учун янги қадмалар қўйилди. 2017/2018 ўқув йилида бакалаврият босқичи учун 840, магистратура босқичида 181 нафар мақсадли кадрлар тайёрлаш квоталарига ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази ахборот хизмати маълумотларига кўра, ҳарбий хизматни ўтаб бўлган ва тегишли тавсияномага эга бўлган фуқароларга мамлакатимизнинг барча олий таълим муассасалари бакалаврият таълим йўналишларига ўқишга киришда тест синовлари натижалари бўйича тўплаган баллининг 50 фоизи миқдоридида қўшимча балл шаклидаги имтиёз берилади.

Шиддат билан кечаётган янгиликнинг жараёнида таълим-тарбия, маънавий-маърифий ислохотлар жараёнида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Бу ёшларга бўлган эътибор ва ғамхўрликни тобора қучайтириш, жамият ҳаётининг турли соҳалари учун билимли, юқори салоҳиятга эга кадрларни тайёрлаш, барча жабҳалари замон талабига мос тарзда ривожлантиришда ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиши шўбҳасиздир.

Назозат УСМОНОВА,
Улуғбек АСРОПОВ,
Икром АБВАЛБОВ,
ЎЗА мухбирлари



ИЛМ-ФАН СОҲАСИГА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлиги томонидан илмий мақолаларнинг ёзилиш услуби, уларни нуфузли журналларда чоп этиш масалаларига бағишланган семинар-тренинг ташкил этилди. Унда олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, олимлар, докторантлар, ёш tadқиқотчилар иштирок этди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2016 йил 30 декабрь куни мамлакатимиз етакчи илм-фан намоёндалари билан учрашувда бугунги замон барча соҳалар қаторида илм-фанни ҳам янги босқичга кўтаришни талаб қилаётгани, мазкур соҳани ва олимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлатимизнинг устувор вазифаларидан эканини алоҳида таъкидлаган эди.

Қисқа фурсат ичида мамлакатимизда илм-фан соҳасига замонавий ёндашувларни татбиқ этиш, илмий ишлар сифати ва самарадорлигини ошириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли фармойиши асосида халқаро нуфузли илмий журналлар ва илмий-таҳлилий маълумотлар базаси – Web of Science тизимига миллий обуна жорий этилди. Эндликда Clarivate Analytics (АҚШ) компанияси ушбу тизимдан самарали фойдаланишни ташкил этиш, ёш олимлар ва докторантларга илмий мақолалар тайёрлаш ва уларни юқори импакт-факторга эга бўлган илмий нашрларда чоп этиш тартиб-қоидалари ҳақида семинар-тренинглар ўтказмоқда.

Хўш, Web of Science тизими нима? Юқори импакт-факторли журнал қандай тавсифланади?

– Web of Science тизими олимларимизнинг илмий tadқиқотлари салоҳияти ва рақобатбардошлигини, илгор илмий-техника адабиётлари ва жажон маълумотлар базаларидан фойдаланишни таъминлаш, мамлакатимизда илмий ишларни чоп этиш фаоллигини ошириш ҳамда халқаро кооперацияни ривожлантиришга хизмат қилади, – дейди Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари О.Парпиев. – Мазкур тизимда 18 мингдан ортиқ журнал, қўллаб илмий мақолалар мавжуд. Эндликда ушбу тизим орқали tadқиқотчиларимиз дунё олимларининг илмий ишлари билан танишиш имконига эга бўлмоқда. Эътиборлиси, тизимдаги журналларнинг асосий қисми импакт-факторга эга. Яъни бу журналларда чоп этилган илмий мақолалардан tadқиқотчиларнинг фойдаланганлик даражаси юқори ёки доимийдир.

Семинар-тренингда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

(ЎЗА)

СОҒЛИГИМИЗ – БОЙЛИГИМИЗ

Чилонзор туманида жойлашган 35-оилавий поликлиника асосан 40 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қиладиган 11 та маҳаллага тиббий хизмат кўрсатади. Бу ҳудудда 15 мингдан ортиқ фертил ёшидаги аёллар, 8 минг кексалар, 3 мингдан ортиқ ўсмирлар рўйхатга олинган. Уларга 20 дан ортиқ умумий амалиёт шифокори, 60 нафар патронаж ҳамшираси хизмат қиладди.

Оилавий поликлиникада ташкил этилган тадбирда 11 та маҳалладан раислар, маслаҳатчилар ва уй бошилар таклиф этилди.

Учрашувда аҳолига сифатли тиббий хизматни яхшилаш борасида маҳалла фаоллари билан ҳамкорликни яхшилаш, муаммоларни биргаликда ҳал этиш масалалари муҳокама қилинди. Айрим маҳаллаларда чақалоқларни эмлашда оқсоқликлар кузатилаётганлиги бор гап. Ҳомиладор аёллар билан ишлашда айрим муаммолар бор.

– Тадбирда 35-оилавий поликлиника жаммасининг 6 ойлик ҳисоботини эшитдик, – дейди “Катта Хирмонтепа” маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Шарофат Абдиева, – албатта, аҳолининг чуқурлаштирилган тиббий куриқдан ўтишида биз маҳалла фаоллари ҳам кўмакдош бўлишимиз керак. Патронаж ҳамширалар билан биргаликда хонадон-

ларга кириб, кексалар, ногиронлар, ҳомиладорлар ҳолидан хабар олиб, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилсак мақсадга мувофиқ бўларди.

– Мен хизмат қиладиган 14-ҳудудда 1524 та аҳоли истиқомат қиладди, – дейди патронаж ҳамшираси Нилуфар Ҳидоятлова, – ҳудудимда 32 та чақалоқ, 260 та кекса ёшдаги кишилар, битта уруш қатнашчиси, 3 та ногирон рўйхатга олинган. Режа асосида улар хонадониди бўлиб патронаж хизмати кўрсатаман.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 6 июндаги “Тошкент шаҳри аҳолисига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишни бошқариш тизимини янада тақомиллаштириш ҳамда унинг самарадорлиги учун раҳбарлар ва мутахассисларнинг касбий масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори моҳияти ва ижроси бўйича ҳам маълумотлар берилди.

Жасур ЭЛИМОВ

ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА ЭЪТИБОР

Мамлакатимизда фарзандларимизнинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишлари учун ҳукуматимиз томонидан алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда.

Ўғил-қизларимизнинг, маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук инсон бўлиб камол топишлари учун барча шароитлар яратилган. Ана шундай эътибор ва ғамхўрликка жавобан фарзандларимиз ҳам ўз билим ва иқтидорларини ишга солиб, ҳаётимизнинг ҳал қилувчи кучига айланишмоқда.

Ёшлар тақдирини мамлакат тақдирини экан, бундай масъулиятли ишга бефарқ бўлишга ҳақимиз йўқ. Айниқса, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш ҳамда улар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси борасида қилиниши керак бўлган ишлар доимий эътиборимизда. Вояга етмаганларни миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялаш, улар-

нинг таълим ва фан, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя ҳамда бошқа соҳаларда кафолатланган ҳуқуқларини таъминлашга устувор аҳамият берилмоқда.

Бекорчилик ҳар қандай ҳуқуқбузарликнинг илдиизи ҳисобланади. Бундай қусурларга йўл қўймаслик учун албатта, ёшлар бандлигини таъминлашимиз шарт. Улар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиришимиз лозим.

Сир эмас, вояга етмаганлар ўртасида жиноят содир этаётганлар ҳам учраб турибди. Масалан, Сергели туманидаги 267-мактаб ўқувчиси Бунёд Чориев шериги билан талончилик жиноятига қўл урди. Улар куппа-қундузи Д. исмли аёлнинг 2000000 сўмлик уяли телефони зўрлик ишлатиб олиб, воқеа жойидан яшири-

нишга ҳаракат қилишди. Бироқ шу атрофда юрган фуқаролар уларни қувиб ушлаб ИИБга олиб боришди.

Энди ўйлаб кўрайлик. Ўспирин йигитнинг жиноятга қўл уриши сабаби нимада? Бизнингча, унинг тарбиясига эътиборсизлик, ўқиш, юриштириши билан қизиқмаганлигимиз эмасми? Қўпичча фарзандларимиз бўш вақтини қандай ўтказаяпти, китоб ўқияптими, спорт билан шугулланаяптими бефарқ қараймиз. Ана шу лоқайдлик туфайли улар ҳуқуқбузарлик содир этади. Демак, биз фарзандлар тарбиясига масъул эканлигимизни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Музаффар КУКИЕВ,
Жиноят ишлари бўйича
Сергели туман судининг
судьяси

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 51-моддасига асосан фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар. Тўланадиган солиқлар давлат бюджетининг асосий қисмини ташкил этади. Жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқлари маҳаллий бюджетнинг даромадлар қисмини шакллантириб, улар маҳаллий аҳамиятга молик тадбирлари молиялаштириш, аҳолининг ижтимоий эътиёжларини қондириш каби харажатларни қоплаш учун сарфланади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 272 ва 287-моддаларига асосан эгалигида солиқ солинадиган мол-мулк ҳамда ер участкалари бўлган жисмоний шахслар мол-мулк ва ер солиғи тўловчилари ҳисобланади. Шунингдек, жисмоний шахслар эгалигидаги уй-жойлар, квартиралар, дала ҳовли иморатлари, гаражлар ва бошқа иморатлар, жойлар, иншоотлар ҳамда қонунчиликда белгиланган тартибда берилган ер участкалари солиқ солиш объектлари ҳисобланади.

Жисмоний шахсларга мол-мулк ва ер солиқларини ҳисоблаш давлат солиқ хизмати органлари томонидан қўймас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг, яъни кадастр идоралари томонидан ҳар йили тақдим этиладиган объектнинг 1 январь ҳолатига бўлган инвентаризация қиймати ва ер участкаларининг майдонига доир маълумотлари асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 27 декабрда “Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроектисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги Қарорининг 19-иловасида жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва 20-иловасида ер солиқлари бўйича 2017 йилга солиқ ставкалари белгилаб берилган.

Унга кўра, жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаси мол-мулкнинг инвентаризация қийматига нисбатан 1,7 фоиз миқдориди, шаҳарларда жойлашган умумий майдони 200 кв.метрдан 500 кв.метргача бўлган турар жой ва квартираларга 2,1 фоиз, майдони 500 кв.метрдан ортиқ бўлган ту-

рар жой ва квартиралар учун эса 2,9 фоиз, бошқа аҳоли пунктларида жойлашган умумий майдони 200 кв.метрдан ортиқ бўлган турар жой ва квартиралар учун – 2,1 фоиз миқдориди белгиланган.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш мақсадида мол-мулкнинг инвентаризация қиймати кадастр ҳужжатларидан ке-

МАЖБУРИЯТ ВА МАСЪУЛИЯТ

либ чиқиб, бироқ 3 минг сўмдан кам бўлмаган миқдорда ҳисобланади. Жисмоний шахслар мол-мулкни баҳолаш бўйича органлар белгиланган инвентаризация қиймати бўлмаса, солиқ ундириш учун Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида 20 328,0 минг сўм, бошқа шаҳарлар ва қишлоқ жойларда 8 833,0 минг сўм миқдорда мол-мулкнинг шартли қиймати белгиланган. Қўймас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказувчи органларда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилмаган янги қишлоқлар турар жойлар бўйича жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ мол-мулкнинг шартли қийматининг икки бараваридан келиб чиққан ҳолда ундирилади.

Шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ай-

рим тоифадаги жисмоний шахслар учун мол-мулк солиғи бўйича имтиёзларни қўллаш мақсадида солиқ солинмайдиган майдон умумий майдоннинг 60 кв.м. ҳажмида белгиланади. Мол-мулк ва ер солиқлари бирон-бир сабаб билан ҳисобланмаган бўлса, масалан, солиқ органларида жисмоний шахснинг эгалигидаги солиқ объектлари тўғрисидаги маълумотнинг мавжуд эмаслиги, давлат солиқ органи ушбу маълумотларни олганда солиқ даври тугаганидан кейин беш йил ичида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаши ёки уларнинг ҳисобланган суммасини қайта кўриб чиқиши мумкин.

Жисмоний шахслардан ундирилаётган ер солиғини ҳисоблаб чиқаришда базавий ставкалар белгиланган нормативлар доирасида ер участкаларига нисбатан қўлланади, белгиланган нормативлардан юқори ер участкалари учун базавий ставкаларга эса оширувчи коэффициент – 1,5 қўлланади. Жумладан, Тошкент, Нукус ва вилоят бўйсунувидидаги шаҳарлар ер участкаларининг нормативи – 0,06 гектар бўлса, бошқа аҳоли пунктлари (деҳқон ҳўжаликлари бундан мустасно) – 0,1 гектарни ташкил этади.

Солиқ кодексининг 291-моддасига асосан яшаш учун мўлжалланмаган жойлар эгаллаган ер участкалари учун жисмоний шахсларнинг ер солиғи юридик шахслардан олинадиган ер солиғини тўлаш учун белгиланган ставкалар бўйича ундирилади.

Жисмоний шахсларга ҳисобланган мол-мулк ва ер солиқлари жисмоний шахслар томонидан солиқ даври учун ҳисобот йилининг 15 октябрга қадар тўланади.

Эслатиб қўйиш жоизки, Солиқ кодексининг 120-моддасига асосан белгиланган муддатдан кечиктириб тўланган солиқ суммасига ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,033 фоиз миқдорда пеня ҳисобланади. Шунингдек, Солиқ кодексининг 36-моддасига асосан солиқ тўловчилар солиқ тўлаш мажбуриятларини муддатлик илгари бажаришга ҳам ҳақлидир.


Абдували МАҲАМАТОВ,
Шайхонтоҳур туман давлат
солиқ инспекцияси
бошлигининг ўринбосари

да белгилаб қўйилганлиги айтиб ўтилди. Шунингдек, Мажбурий ижро бюросининг ваколатлари ҳамда истеъмолчиларнинг мажбуриятлари тўғрисида ҳам батафсил маълумот бериб ўтилди.

Тадбир доирасида “Йўл ҳаракати хавфсизлиги билан боғлиқ жиноятларни таҳлил этиш, мазкур жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларнинг олдини олиш”, “Шикастланишлар, ошқозон ичак касалликлари, қон босими касаллиги ва остеохондроз касалликларини олдини олиш ва даволаш чора-тадбирлари” мавзуларида ҳам маърузалар тингланди.

Ҳарбий хизматчиларни қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан атрофлича жавоб қайтарилди.

(Ўз мухбиримиз)



Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

ИККИЛИКЛАР

Олтин олма дуо ол, дуо олтин эмасму,
Ахир онанг, “жон болам, сен олтиним”, демасму.

* * *

Ўйламайин сўз айтсанг, тилинг куйиб қолгайдир,
Етти ётга ёр бўлсанг, дилинг куйиб қолгайдир.

* * *

Дўсту ёрнинг қадрини қўш қўллаб тутар бўлсанг,
Болангни бағри бутун, дунёдан ўтар бўлсанг.

* * *

Йиғлаганга қўшилиб, балки, йиғлаб юргайсан,
У бошин тошга урса, албатта сен урмайсан.

* * *

Қаҳратоннинг қаҳрини ўз онаси қиш билар,
Тилнинг тухмат тошини тишлаб турган тиш билар.

* * *

Ўйлаб айтган ҳар сўздан уялмайди ҳар одам,
Ёлғонни ҳам яшириб қўёлмайди ҳар одам.

* * *

Авлиёнинг баридан ҳар ким тутиб кетолмас,
Чунки нафсин баҳридан ҳар ким ўтиб кетолмас.

* * *

Кун ёнида тун турар, тун ёнида кун юрар,
Ҳар иккиси Оллохдан умр сўраб ун урар.

* * *

Ҳар ниҳолнинг қўзи бор, муроди бор анласанг,
Илдизда сув сўрган зурёди бор анласанг.

* * *

Тилаб тополмайсан, бир гавҳар бордир,
У илм истаган оқилга ёрдир.

* * *

Умид ўчоғида кул бўлмоқ ёмон,
Армондан ажралмас дил бўлмоқ ёмон.

* * *

Ким ўтса шахд билан ёмон баҳридан,
Эрта қутулгайдир тикон захридан.

* * *

Ирмоқлар бирлашмай дарё бўлмайди,
Шамда эл эргашар зиё бўлмайди.

* * *

Ҳаё пардасини кўздан кўтарма, Ҳам яна тилни тий, сўздан кўтарма.

* * *

Агар инсон яшаса йймон учун, Дунёнинг бор неъматини инсон

* * *

Отилган ўқ ортга қайтиб келмас ҳеч қачон,
Боланг ўзин айбин айтиб келмас ҳеч қачон.

* * *

Орзу билан армоннинг орасида нима бор,
Ушалмаган орзуда бир озгина гина бор.

Республика Маънавият тарғибот маркази Яшнобод туман бўлими билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда Мажбурий ижро бюроси, туман газ ва электр тармоқлари корхоналари ва ИИББ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасидан вакиллар иштирок этишди.

Тадбирни ташкил этишдан мақсад мамлакатимизда қабул қилинган қонун ва қонун ости ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини ҳарбий хизматчиларга тушунтириш,

уларнинг ҳуқуқий билимларини бойитишга қаратилган. Хусусан, унда Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 29 майдаги “Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юришти тизимини тубдан тақомиллаштириш

чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони юзасидан кенг тушунчалар берилди.

Ҳарбий хизматчиларга коммунал тўловларни ўз вақтида тўлаш лозимлиги, тўлов интизомига амал қилинмаган ҳолларда тармоқдан узиб қўйилиши, қайта уланишда эса катта миқдорда жаримага тортилиши қонунлар-

ҲУҚУҚИЙ БИЛИМЛАРИ ОШИРИЛДИ



Спорт янгиликлари

Профессионал боксда ўнта жангининг барчасини нокаут билан яқунлаган Шохжаҳон Эргашев навбатдаги жангини АҚШда ўтказди.

ЕНГИЛМАС БОКСЧИЛАР ШОУСИ

Машҳур боксчимиз "Showtime" телеканали орқали намойиш этиладиган жангда қайси боксчиға қарши рингга чиқиси аниқ бўлганини маълум қилди.

4 август куни Детроит шаҳрида бўладиган профессионал бокс ке-

часида ўзбекистонлик чарм қўлқоп устаси ўзи каби ўнта жангининг барчасини нокаут билан яқунлаган мексикалик Хорхе Родригесга қарши рингга чиқади. Мексикалик боксчи 2011 йилдан буюн профессионал рингга бокс тушмоқда ва юқорида

айтилганидек, ўнта жангининг барчасини муддатидан олдин яқунлаган.

Хуллас, енгилмас боксчилар шоу-сида икки нокаутчи ўзаро тўқнаш келади. Шохжаҳон Эргашевга омад ва зафарлар тилаймиз.

НАВБАТДАГИ РАҚИБ АНИҚЛАНДИ

Ўзбекистонлик яккакураш жанглари устаси Анвар Бойназаров энг кучли 32 спортчи иштирок этаётган "Em legend" мусобақасида навбатдаги жангини таиландлик жангчи Наронгга қарши ўтказди.

Мазкур жанг санаси ва ўтказилиш жойи ҳозирда маълум эмас.

Кикбоксинг бўйича ўтадиган жангда спортчилар 65 килограмм вазн тоифасида рингга кўтариладилар. Спортчимиз айни дамда мазкур жангга тайёргарликларни Таиланднинг Пхукет шаҳрида олиб бормоқда.

— Бўлажак жангга ҳам жисмонан, ҳам руҳан тайёрман. Рақибим жуда кучли муай тай жангчиси ҳисобла-

нади. Насиб қилса, барча ўзбек мухлисларига яна битта нокаут тақдим қилиш ниятим бор, — дейди А.Бойназаров.

Эслатиб ўтамиз, Анвар Бойназаров ўзининг сўнгги жангини 10 июль куни Хитойда "Topking world series 2017" турнири доирасида ўтказиб, бразилиялик Марлон Роберто дос Сантосни биринчи раунддаёқ нокаутга учратган эди.

Ботир ХҲЖАЕВ

"Телефон" овозни узок масофага етказиш деганидир. Ҳозирги кунда телефоннинг турлари ва унинг қиладиган хизматлари ниҳоятда кенг тармоқли бўлиб кетди. У нафақат, овозни улаш воситасидир, балки хат, сурат ва видеолавларни ҳам узок масофага узата олади. Демак, ўз-ўзидан телефон суратга ва видеога олиш ишларини ҳам бажаради. Хоҳласангиз, математик жадваллардан тортиб, дунё харитаси-ю унда бўлаётган ҳар хил ўзгариш ва янгиликларни ҳам кўрсатиб туради. Агар интернет тармоғидан фойдаланадиган бўлсангиз, бу борада ҳам энг қулай восита телефондир.

Авваллари телефон фақатгина сим орқали ишлаган бўлса, ҳозирги кунга келиб, умуман сим ёки бошқа уланиш воситаларига ҳожат ҳам йўқ. Балки тўғридан-тўғри ҳаво тўлкинлари орқали алоқага чиқиш имкониятлари мавжуд. Бундай телефонларни эса бемалол истган жойингизда ўзингиз билан бирга олиб юришингиз ҳам мумкин. Шунинг учун бундай телефонлар бизнинг урф-фимоида "уяли алоқа воситаси" дейилад.

Илм-фан ўта ривожланганлигининг самараси ўлароқ кашф этилган бу восита юқорида айтиб ўтилган ва ўтилмаган сон-саноксиз вазибаларни деярли беминнат бажаради. Арзимас маблағлар эвазига миллионлаб маблағлар тежалади. Энг асосийси Аллоҳ таоло берган бебаҳо неъмат бўлиш вақт, яъни умрни тежаш ва ундан унумли фойдаланиш учун энг қулай восита, десак, муволафа бўлмайди. Қисқаси, телефоннинг имкониятлари ва унинг манфатлари тўғрисида соатлаб гапириш мумкин.

Лекин табиатдан баъзи фойдали нарсаларнинг мукобилида зарари ҳам бўлгандай экан, телефонда ҳам мазкур иллат йўқ эмас. Аслида иллат телефоннинг ўзида эмас, балки ундан фойдаланаётган инсонда, десак, тўғрироқ бўлади. Қанчадан-қанча кашфиётлар самараси ўлароқ, дунё юзини кўрган воситалардан баъзи бир ғаразли инсонлар ўзларининг шахсий манфаатлари йўлида унумли фойдаланаётганлари каби телефондан ҳам тасаввур қилиб бўлмас даражада фитнес-фасод ва ёмонлик уруғини секиб, ундан мўл-кўл "ҳосил" олаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Энг ачинарлиси эса баъзи бир нодонлар ўзлари билиб-билмаган ҳолатда телефондан яхшилик ва зугулик йўлида эмас, балки бузуқчилик ва вайронкорлик йўлида фойдаланадилар.

Бизнинг шариятимизда оила мукаддас даргоҳ. Ақд-ниҳоҳ эса алоқалар ичидаги энг мукаддас ва табаррук риштадир. Чунки бу ришта Аллоҳнинг амри, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатлари ва бир қанча мўмин-мусулмонларнинг гувоҳлиги-ю иштирокида боғланган бўлади. Қолаверса, бу ришта икки ёшнинг шахсиятигагина тегишли эмас. Балки шу ақд-ниҳоҳ туфайли ўнлаб оилалар ёки қабилалар миллат вакиллари бир-бирлари

оилалар айнан шу матоҳ туфайли ажрашапти.

Ҳаттоки баъзилар шундай дейишад: Хотинимга "Шу телефон бошимизга битган боло бўляпти, ўртадаги меҳр-оқибатни йўқотяпти. Шунинг тугмай қўя қолгин", десам, "Бекорларни айтибсиз, телефонсиз ҳаёт — ҳаётми?! Мен зерикаман, юрагим қислади. Агар телефон бўлмаса, портлаб кетаман, дейди". Шундайки, телефон орқали қанчадан-қанча хиёнатлар амалга ошириляпти. Қўпол

Маърифий суҳбатлар

ОИЛАМИ ЁКИ ТЕЛЕФОН?

билан ўзаро қавм-қариндошларга айланади. Аллоҳ таоло асрасин, агар икки ёш бир-бирлари билан қайсидир сабаблар туфайли ажрашадиган бўлса, қанчадан-қанча қавм-қариндошлари бир-бирлари билан юз кўришмас бўлиб кетишлари мумкин.

Минг афсуслар бўлсинки, охириги пайтада оила қураётган баъзи ёшларимизда мазкур тушунчалар умуман йўқ. Ёки бўлса ҳам, юзакидир. Уларнинг тасаввурлари бўйича "Нима, энди биз бир-биримизга ёқмасак ҳам, кимлар учундир бизга яшашимиз керакми? Бизнинг ҳаётимиз билан уларнинг нима иши бор?! Одамларга ҳам ҳайронсан. Ёшларнинг ўзига қўйиб бермайди-ми?" деган тушунчалар доимо биринчи ўринда туради. Оилавий ҳаётга ва ақд-ниҳоҳга ўта енгил қарашади. Шунинг учун ҳам арзимас сабаблар туфайли оилани барбод қилишдан қўрқмайди. Сабаблар эса ҳар хил. Ана шулардан бири ҳозирги кунда уяли алоқа воситаси, десак, муволафа бўлмайди. Кўпгина

қилиб айтганда, телефон ва ундан келадиган қўштирноқ ичидаги фойдаланиш оила ва ундан келадиган фойдалардан устун қўядиганлар кўпайиб бормоқда.

Аслида эса барча воситалар каби уяли алоқа воситаси ҳам оиланинг тинчлиги, хотиржамлиги ва ундаги бахт-саодат учун хизмат қилиши керак эди. Масалан, эр бирор хизмат сафари ила узок юртларга кетса, ўзининг оиласи, фарзандлари ва бошқа ақиллари билан телефон алоқа воситаси орқали доимий боғланиб туриши ва шу туфайли уларга бўлган меҳри янада жўш уриши керак. Ёки йироқдаги қавм-қариндошлари билан силла раҳм алоқаларини боғлаб туриш воситаси сифатида ҳам фойдаланиш мумкин. Юқорида айтиб ўтганимиздек, телефоннинг беминнат хизматлари ниҳоятда кўп. Аммо шולי курамсиз бўлмайди, деганларидек, телефондан ҳам фойдаланиш қонун-қоида, ахлоқ-одобини билмаганлиги туфайли ундан хиёнат воситаси сифатида ҳам фойдаланаётганлар йўқ эмас.

Яқинда бир танишимиз ўз дўсти-

нинг ҳаётида бўлган бир воқеани сўзлаб берди:

"Тўй-томоналар яқунланиб, ҳамма хурсанд, ҳаммаси жойида, ҳар иккала қудда тараф ҳам ўзларида йўқ шод. Келин-куёвларни айтмайсизми? Эртаси кун келин урф-одатимизга кўра кўча, дарвозанинг олди, ҳовлиларни эрта тонгда туриб, сув секиб супуриб, чинидек қилиб қўйиши керак. Ёз фасли бўлгани учун эрта тонгдан кун қизиган. Қолаверса, тонгдаги тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олиш учун кўёв бола кўчага қарагани деразаларни очибди. Келин эса айни шу пайтда кўчадаги йўлакларни супураётган экан. Кўёв ўзича хурсанд бўлиб келинга термулиб турса, бирдан келиннинг телефони жиринглаб қолибди. Келин эса эри унга қараб турганини билмай, ўзича телефонга жавоб бераётган экан: "Ҳа, ҳаммаси яхши. Майли-майли, уч-тўрт кундан кейин учрашасак бўлаверади. Сизни роса..." Кўёвнинг кўз-олди қоронғулашиб, келинни қўлидан етаклаб уйга олиб кириб, ўша ердagiларнинг гувоҳлигида ундан воз кечибди".

Баъзан, нафақат келинлар, балки куёвлар ҳам улардан қолишаётганлари йўқ. Фақатгина кўпинча эрларнинг ўз хотинларига қилаётган хиёнатлари ошқора қилинмасдан қолиб кетади. Чунки аёллар эмас, кўпинча эрлар хотинларнинг хиёнатлари тўғрисида шикоят қиладилар. Аёллар эса шикоят қилишга журъат қилмайдилар ёки нима қилсалар ҳам, болаларимнинг отаси-ку, деб сабр ила енгиб ўтадилар. Аммо шуни билишимиз керакки, хиёнат қайси тарафдан бўлишидан қатъи назар, барибир хиёнат! Тўғри жамиятимизда шундай ҳаёли, иймон-эътиқодли аёллар ҳам борки, нафақат ўзининг иффат ва об-рўсини, балки биринчи ўринда турмуш ўртоғи ҳамда бутун оиласининг шаъни учун жонини фидо қилишга тайёрдир.

Шундай экан Аллоҳ таолодан барча оилаларга ўзаро тинчлик-хотиржамлик тилаб дуо қиламиз.

Исҳоқжон БЕГМАТОВ,
Тошкент Ислам институтининг ўқитувчиси, "Тўхтабой" жоме масжиди имом-хатиби,
"Олтин қалам" XI
Миллий мукофоти соҳиби

Ўзбекистон Республикасининг "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги қонуни ва Биринчи Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори мамлакатимизда одам савдосига қарши курашишда мустақкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётди.

ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ БИРГАЛИКДА КУРАШАМИЗ

Давлат органлари билан биргаликда нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган тарғибот-тушунтириш ишлари ҳам фуқароларнинг ушбу жиноят қурбонига айланиб қолишининг олдини олишда яхши самара бермоқда.

Тошкент шаҳар "Истиқболли авлод" ижтимоий-ахборот маркази 2001 йилдан буюн одам савдоси жиноятдан жабрланганлар, ОИТС/ОИВ касалликларидан азият чекканларга кўмаклашиб, уларнинг тўғри йўл танлашига ёрдам бериш мақсадида турли ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда.

Марказ томонидан ташкил этилган "Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан одам савдосига қарши курашиш бўйича медиа-кампанияни ривожлантириш бўйича ҳамкорликни мустақамлаш" мавзусидаги семинар Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳамда Республика Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда ўтказилди.

Тошкент шаҳар "Истиқболли авлод" ижтимоий-ахборот маркази директори Н.Каримова, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ахборот хизмати бўлими бошлиғи Г.Раҳимова ва бошқалар мамлакатимизда яратилган одам савдосига қарши курашиш ва унинг олдини олиш бўйича миллий қонунчиликнинг аҳамияти ва қонунчиликни татбиқ этиш амалиёти бўйича фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Журналистлар халқаро ва маҳаллий мутахассисларнинг тақрибиси, билим ва қўнималари билан таништирилди.

— Одам савдоси дунё мамлакатларини қаттиқ ташвишга солаётган глобал муаммодир, — дейди "Ла Страда-Украина" жамоат ташкилотининг таълим дастурлари халқаро менежери Вероника Андреевна. — Ушбу жиноятга қарши курашишда оммавий ахборот воситаларининг ҳам хизматлари бекхис. Бу йўналишда материал тайёрламоқчи бўлган журналист аввало одам савдоси жабрланувчилари билан ишлаш стандартларини билиши лозим. Мазкур семинарда жабрланувчилар билан суҳбат ўтказиш қўнималари, касб тамойиллари, одам савдоси жабрланувчиларни идентификация қилиш мавзуларида машғулотлар олиб борилади.

Семинар иштирокчилари одам савдоси, айниқса, аёллар савдосига қарши курашишда оммавий ахборот воситаларининг роли, мавзуга ёндашиш усуллари ҳақида фикр алмашди. Одам савдоси ҳолатининг халқаро миқёсдаги таҳлили билан таништирилди.

Тадбирда "Истиқболли авлод" ижтимоий-ахборот маркази фаолиятига оид ва "Орзулар" видеоролиги тақдироти бўлиб ўтди. "Адашганлар" ижтимоий видеоролиги намойиш этилди.

Моҳигул ҚОСИМОВА,
ЎЗА мухбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Шайхонтоҳур туманидаги таълим муассасаларида соғлом овқатланишни ташкил этиш мақсадида куйидаги касб-хунар таълим муассасалари ошхона ва буфетига тендер

ТАНЛОВИ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

1. Тошкент меҳмонхона ва сервис касб-хунар коллежи
 2. Шайхонтоҳур саноат касб-хунар коллежи
 3. Тошкент алоқа касб-хунар коллежи (1-ошхона, 2-ошхона ҳамда буфет).
- Ҳужжатлар 20 августга қадар қабул қилинади. Танлов 22.08.2017 йил соат 10.00 да Тошкент алоқа касб-хунар коллежида бўлиб ўтади. Тел: 252-77-81, 252-77-82.

"PROFIL AVENUE" хусусий корхонаси мулкдорининг 2017 йил 1 августдаги 9-сонли қарорига мувофиқ, корхонанинг устав фонди 1 000 000 000,00 сўм миқдоридан 475 000 000,00 сўм миқдоридан қаматирилиб, янги устав фонднинг миқдори 525 000 000,00 сўмни ташкил этади.

Ариза ва муросжатлар қуйидаги манзилда қабул қилинади. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Катта Дархон кўчаси, 9-уй.

Тошкент шаҳри Чилонзор тумани Ягона дарча маркази томонидан 2017 йил 12 июнда №525232 рақами билан рўйхатдан ўтган, "NBK PLUS" ХК (ИНН 304939773) 2017 йил 1 августдаги №1 буйруққа асосан

ТУГАТИЛАДИ

Давволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида қуйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади: (+99897) 788-10-70.

 ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ	да шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 22-24, кундузи — 35-37 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 3 августда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шайхонтоҳур ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишича имконият яратиб, ифлосланиш даражаси паст бўлади.
---	---

Тошкент шаҳрида 3 август куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан ғарбга томон секундида 5-10 метр тезликда, қучайган ҳолда секундида 12-17 метр тезлик-

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: (0-371) 233-28-05,
факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаамти»га — 233-74-05 телефонига муросжат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМИЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz

Буюртма Г- 835

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
5001 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашр учун масъул
О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Тошпириш вақти: 13.00
Босишга тошпирилди: 14.30